



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 3-noyabr. Payshanba • 131 (32.190)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП ғояларини қўллаб-қувватланг!

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмонов дастурида илгари сурилган таклифлар Тошкент вилоятида ўтказилган учрашувда сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди.



ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ХАТАМЖОН КЕТМОНОВ

Тошкент вилоятидаги сайловчилар билан учрашди

Учрашув онлайн видеоконференцалоқа шаклида, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги сайловчиларни камраб олган ҳолда ўтказилди.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Кирғизбоев очди. У ўз

сўзида Президент сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа экани, юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши, халқимиз турмушининг фаровонлиги сайловчиларнинг фаоллиги, сиёсий етуқлиги ва сайлов кунини қабул қиладиган қарорга

боғлиқ бўлишини алоҳида таъкидлади.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳроҳ Дархонов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Шундан сўнг Хатамжон Кетмонов ўз дастурида илгари сурилган ғоялар, белгиланган мақсад-вазифалар ҳақида сайловчиларга атрофлича маълумот берди.

Номзод, аввало, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд катламлари манфаатлари ҳимояси хусусида сўз юритар экан, бу мақсадни самарали амалга ошириш учун қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида қайд этди.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати қандай бўлиши, аввало, улар қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, номзоднинг дастурида аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд катлами манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи асосий устувор йўналиш этиб белгиланди.

— Аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим шартини уларнинг бандлигини таъминлашдир. Бунинг учун, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишини, фуқароларнинг шахсий ташаб-

бускорлиги ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур, — деди Хатамжон Кетмонов. — Аввало, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, касб танлаш, таълим

олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратиш талаб этилади.



► Давоми 2-бетда.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

юқори савияда ўтказилади

Хабарингиз бор, 28 октябрь кунини Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қонунга мувофиқ, айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва таъминланади.

Мамлакатимизда босқич-ма-босқич амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида халқаро стандартларга мос келадиган миллий

сайлов тизими шакллантирилди. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини кафолатловчи мустаҳкам қонунчилик

асослари яратилди. Шунга мувофиқ равишда аҳолининг ижтимоий-сиёсий билими, ҳуқуқий маданияти, фаоллиги тобора юксалиб бормоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик жараёнида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Сайловчиларнинг номзодлар ҳақида тасавури қандай бўлиши, сайлов жараёниларининг ҳар томонлама юқори савияда ўтиши сайловолди ташвиқотида боғлиқдир.

Хўш, сайловолди ташвиқоти қандай олиб борилади? Президентликка номзодларнинг бу борада ҳуқуқлари қандай? Ана шу масалалар бўйича депутатларнинг, партия ташкилотлари ходимларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

► Давоми 2-бетда.

СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

Мамлакатимизда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспортбон маҳсулот турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон бозорида табиий, сифатли маҳсулотларга бўлган талаб охири бормоқда. Шу боис маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини изчил назорат қилиб бориш уларни экспорт қилишда муҳим ўрин тутати. Бу борада тадбир-

корларга кенг қулайликлар яратилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида бажарилган синовлар халқаро миқёсда тан олинишни таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан изчил чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу мамлакатимиз тадбиркорлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг халқаро бозордаги мавқеига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Соҳага доир янгиликлардан хабардор бўлиш ва маҳсулотини экспорт қилмоқчи бўлган корхона ва ташкилот ходимлари, тадбиркорлик субъектлари «Ўзстандарт» агентлигининг расмий веб-сайти www.standart.uz ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилиши мумкин.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

Халқаро стандартлар асосида

Мазкур корхона директори Жаҳонгир Пулатовнинг айтишича, замонавий ўлчов воситалари билан таъминланган лабораторияда синовлар халқаро стандартлар асосида олиб борилаётган. Лабораториянинг юқори малакали мутахассислари дунёнинг ривожланган мамлакатларида малака ошириб келган. Синов ўтказишни янада ривожлантириш мақсадида «SGS Tashkent Ltd» хорижий корхонаси билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур корхона «SGS» хорижий компаниясининг Ўзбекистондаги расмий вакили ҳисобланади. «SGS» бош офиси Швейцарияда жойлашган бўлиб, у мувофиқлигини тасдиқлаш борасида фаолият юритаётган йирик компаниялардан биридир. 140 мамлакатда компаниянинг 1,8 мингдан ортиқ тармоғи мавжуд бўлиб,

САЙЛОВ – 2016

2016 йилнинг 2 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида «Аҳолининг юксак сайлов маданияти ва фаоллиги — демократик сайловларнинг муҳим омили» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

АҲОЛИНИНГ ЮКСАК САЙЛОВ МАДАНИЯТИ ВА ФАОЛЛИГИ — ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти вакиллари, шунингдек, видеоконференцалоқа орқали округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва миллий маданият марказлари фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори Жон Макгрегор ва бошқалар Ўзбекистонда мустақил сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда фуқароларнинг жамият ва давлат ишлари бошқарувида иштирок этиши, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлашнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилгани, сайлов қонунчилиги илғор хорижий тажрибага, халқаро сайлов стандартларига мос равишда изчиллик билан такомиллаштирилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда 21 миллион 435 минг сайловчи бўлиб, уларнинг 10 миллион 825 мингдан зиёди хотин-қизлар, 555 мингдан ортиғи сайловда биринчи марта овоз бераётган ёшлардир.

Тадбирда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан, ногиронлар, қамокда сақлаш жойларида сақланаётган фуқароларга сайлов жараёнида уларнинг сайлов ҳуқуқларини рўйбга чиқаришда яратилаётган шароитлар ҳақида фикр алмашилди.

Мазкур йўналишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳам тизимли ва режалар ишлари амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, ҳуқуқий ва сайлов маданиятини янада юксалтириш бўйича асосий тадбирлар режаси тасдиқланган.

Турли миллат вакиллари бўлган фуқароларга сайловолди ташвиқоти материаллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов кампанияси жараёнида ҳақидаги ахборотлар мамлакатимиздаги ОАВларда 17 тилда чоп этилмоқда.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ТАРФИБОТ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун тарғиботида бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, университет профессор-ўқитувчилари талабаларга қонунни атрофлича шарҳлади берди.

ҚОНУН ВА ЁШЛАР

Қонун моддаларига шарҳ берилар экан, сўзга чиққанлар 5-моддага алоҳида эътибор қаратишди. Яъни ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик тўғриси, бағрикенглик, умумбашарий кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш устувор вазифа экани қайд этилди.

Шунингдек, йигит-қизларни турли ёт ғоялар таъсиридан сақлаш, уларнинг терроризм, гийҳвандлик, экстремизм ва одам савдоси каби иллатларга қарши иммунитетини шакллантириш долзарб масала ҳисобланади. Ўсиб келаётган авлод ҳам ақлан, ҳам маънан камолга етиши учун уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, эзгу мақсад йўлида бирлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари ёшларнинг интилиши, илмий-ижодий салоҳиятини рўйбга чиқаришда қонуннинг ўрни ва аҳамияти катта эканини эътироф этишди.

Депутатлар, мутахассислар талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Дилфуза ТОШПҲАТОВА,
университет талабаси.

ЎзХДП ҒОЯЛАРИНИ
Қўллаб-қувватланг!

■ Биз «Ҳар бир инсон учун муносиб иш ўрни!»,
«Ҳар бир инсон учун муносиб иш ҳақи!»
ғоялари тарафдоримиз.



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурининг асосий йўналишларида янги иш ўринлари ташкил этиш масаласига кенг эътибор қаратилган. Шу боис партия ташкилотлари банд бўлмаган аҳоли ва коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга қаратилган лойиҳалар ҳамда тадбирларни ўтказиб келяпти.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Кучи кеча Бектемир туман партия кенгаши бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этган меҳнат ярмаркаси ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Унда тумандаги 50 га яқин корхона ва ташкилот беш юздан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбирда 50 нафарга яқин киши турли корхона ва муассасаларга ишга жойлаштириш бўйича йўлланма олди.

— Ярмаркада жорий йилда касб-хунар коллежини битирган ёшлар ва вақтинча ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди **Ўзбекистон ХДП Бектемир туман кенгаши раиси ўринбосари Лола Ярашева**. — Партиямиз Сайловолди дастурида аҳоли, шу жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш борасида давлат ташкилотлари, ижро ҳокимияти идоралари ҳамда корхона-ташкилотлар масъулияти ошириш муҳим вазифа этиб белгиланган. Бу борада партиямиз фаоллари, депутатлар қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гuruhлари ҳамкорлигида мазкур йўна-

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ХАТАМЖОН КЕТМОНОВ

Тошкент вилоятидаги сайловчилар билан учрашди

Ҳар йили мамлакатимизда ярим миллионга яқин йигит-қиз касб-хунар коллежларини тамомлайди. Номзодимиз фикрича, уларни иш билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Қўллаб-қувватлаш тадбиркорликка қизиқиш бор, лекин иш бошлаш учун маблаг керак. Шундай пайтда уларни қўллаб-қувватласак, эртага кўплай иш жойлари очилишига имкон яратган бўлаемиз. Касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли микрокредитлар бериш ишларини такомиллаштириш, белгиланган йиғимлардан озод этиш орқали улар ўз бизнесини бошлашига қўмаклашиш муҳим масаладир.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзоднинг дастурида қайд этилган масалалар бўйича муносабат ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қизилгул Қосимова,
халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги **ЎзХДП** гуруҳи аъзоси, **Олмалик шаҳар** тиббиёт бirlашмаси бош шифокори:

— Президентликка номзоднинг дастури ҳаётий жиҳатлари билан эътиборга молик. Хусусан, унда аҳоли учун юқори сифатли таълим олиш ва мақбул тиббий хизматдан

фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳеч биримизга сир эмас, тез тиббий ёрдамдан фойдаланиш, кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда айрим камчиликлар учраб турибди. Олис ҳудудлардаги дорихоналарда сотилаётган дори-дармонлар нархларида номутаносибликлар кузатишмоқда. Уларнинг бартараф этилиши соғлом турмуш тарзининг қарор топишига, тиббий маданият юксалишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Шуларни инобатга олган ҳолда, номзодимиз дастурида имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижроси, дори-дармон воситалари нархи устуздан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича билдирилган тақдирларни қўллаб-қувватлайман. Бу аҳолининг эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Номзоднинг дастурини сайловчилар орасида кенг тарғиб қилишимиз, бу борадаги ишларимизни кучайтиришимиз зарур.

Гули Абдурахимова,
ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:

— Биламизки, **ЎзХДП** мамлакатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятини аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, унинг кам таъминланган гуруҳлари турмуш даражасини яхшилашга йўналтиришни фаол қўллаб-қувватлайди. Шундан келиб чиқиб, номзодимиз дастурида кам таъминланган оилалар, кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш бўйича қатор тақдирлар баён этилган.

Мушоҳада қилиб кўрадиган бўлсак, кам таъминланган оилалар аъзоларига ўз ишини очиши, мустақил бизнесини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар ва фоизсиз ссудалар ажратиш амалиётини янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Агар улар ўз ишини йўлга қўйиб, барқарор даромад манбаига эга бўлса, ижтимоий ҳимоя учун бюджетдан пул ажратишга ҳожат қолмайди, аксинча, уларнинг ўзи солиқ тўловчига айланади.

Шунинг учун номзодимиз ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини боқимандалик қайфиятини бартараф этишга қаратиш, аҳолининг меҳнат ва

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ташаббускорлигини рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблайди.

Айтайлик, кимдандир ишлаб чиқаришнинг қайсидир турига қизиқиш бор. Лекин у вақтинчалик ишсиз. Ўзи қизиққан ва қўлидан келадиган ишни бошлаш учун маблагга эҳтиёжи бор. Демак, уни қўллаб-қувватлаш, керакли маблаг билан таъминлаш лозим бўлади. Шунда жамиятда боқимандалик қайфияти бартараф этилади, қўллаб одамлар иш билан таъминланиб, оила даромадига, жамият тараққиётига ҳисса қўшади. Бунда, албатта, фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудалар ажратиш яхши самара беради.

Шу жиҳатдан олиб қарасак, номзод дастурида илгари сурилган ғоялар мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади, деб ўйлайман.

Илхом Абдуқаюмов,
ЎзХДП Ангрэн шаҳар кенгаши раиси:

— Демократик ислохотлар чуқурлашиб, фуқаролик жамияти қарор топиши сари суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, одил судловни амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча имкониятлар яратиш зарурати келиб чиқади. Бу

жамият ҳаётини демократлаштириш, инсонпарварлик тамойилини кучайтиришда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун номзод бу борада ҳам қатор тақдирларни илгари сурмоқда. Хусусан, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизми оммабоплигини кенгайтириш тақдир этилмоқда. Мазкур масалада суд назоратини кучайтириш ҳисобида суд қарорлари ижроси сифатини ошириш керак бўлади. Номзоднинг фикрича, фуқароларнинг ҳуқуқларини янада кафолатлаш мақсадида илгари сурилган бу тақдирлар ҳаётийимизни тобора эркинлаштириш ва демократлаштиришга хизмат қилади.

Учрашувда сўзга чиққанлар сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Хатамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шундан сўнг Президентликка номзод сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш, қурилиш соҳасини модернизация қилиш, жисмоний имконияти чекланганлар учун таълим тизимини такомиллаштириш масалаларида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

юқори савияда ўтказилади



Нўзмон АҚБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги **ЎзХДП** фракцияси аъзоси:

— Сайлов кампаниясининг ҳар бир жараёни бир-бири билан ўзаро боғлиқ тарзда давом этади. Булар орасида энг муҳим босқичлардан бири сайловолди ташвиқотидир.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси шу масалага бағишланган. Унга кўра, сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ёқиб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш,



Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги **ЎзХДП** фракцияси аъзоси:

— Сайловолди ташвиқот сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим восита ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигида ушбу муҳим жараён билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган.



Гулруҳ ТОШМАТОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

— Сайловолди ташвиқоти сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичи ҳисобланади. Чунки, айнан ушбу босқичда Президентликка номзодлар, сиёсий партиялар ўзларининг келгуси фаолият дастурлари билан сайловчиларни яқиндан таништирилади, бошқача айтганда, ўз салоҳиятини намойиш этади.

Барчамизга маълумки, сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга асосан, ташвиқот оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи), босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш, тарқатиш ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, Президентликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа турлари,

шакллари ва усулларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳам қонунларимизда ўз аксини топади.

Айташ кераки, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Президентликка номзодларга ҳажми кўра, бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Номзодларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эъзига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Шунингдек, уларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳам қонун ҳужжатларида мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкинлиги белгиланган. Энг асосийси, сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан

эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча номзодлар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг шайни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Президентлигига бошқа номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бошқа номзодлар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақи.

Бундан ташқари, сайловолди ташвиқоти босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб борилиши мумкин.

Умуман олганда, мамлакатимизда Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини амалга ошириш бора-бора мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Булар, ўз навбатида, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига, халқаро стандартларга тўла мос келади. Шунингдек, сайлов жараёнининг демократик тарзда ташкил этилишига хизмат қилади.

Лазиза ШОМИЛОВА



Фотрух АЛИЕВ олган сурат.

лишда мунтазам депутатлик назорати олиб боришмоқда. Хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширишмоқда.

— Касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, ёш кадрларнинг ишлаб кетиш кафолатини мустаҳкамлаш долзарб масала, — деди **туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш маркази мутахассиси Гулмира Отабеова**. — Шу боис мустақил ҳаётга кадам қўяётган йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар туманимизда 2800 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Иш ўринларининг асосий қисми ёшлар ва хотин-қизлар учун мўлжалланган. Йил давомида 4 марта таби меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Натижада 200 нафардан ортиқ фуқаро турли корхона ва ташкилотларга йўлланма олди. Тадбирлар орқали аҳоли вакиллари, касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларни тегишли мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштиришга ҳаракат қилаялмиз.

— Ушбу ярмарка мен учун унутилмас воқеа бўлди, — дейди **ёш мутахассис Бобур Ҳожиаббаров**. — Боиси, бугун тумандаги «ARSLON PLASTIK» корхонасига ишга жойлаш учун йўлланма олдим. Билимимни амалиётда мустаҳкамлаб, юртимиз равнақиға ҳисса қўиш имкониятига эга бўлганимдан жуда мамнунман.

Меҳнат ярмаркасида ёшларга мутахассислар томонидан меҳнат қончилиги бўйича зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Шаҳзод АБДУЛЛАЕВ

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ

■ Иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни
сохталаштириш — қонунга хилоф

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Бугун мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари тобора обод бўлиб бораётгани, янгидан-янги корхоналар барпо этилиб, барқарор иш ўринлари яратилаётгани туфайли фуқароларимизнинг турмуши фаровонлашиб, ҳаётга муносабати ўзгариб, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланмоқда.

Сўнгги йилларда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг йирик корхоналар билан саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш борасида кенг қўлмал ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, таъкидлаш керакки, бу ютуқларга эришишда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам қонуний асослар муҳим аҳамият касб этмоқда. Қонун устуворлиги тадбиркорлар учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратишнинг кафолати бўлмоқда.

Самарқанд вилоятида ҳам прокуратура органлари томонидан мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, инвестиция, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган қонунлар ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, шу орқали янги иш ўринлари яратилишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, қонун ҳужжатлари асосида берилаётган қўлай имкониятлар, энгилликлар ҳақида кенг тўшунтириш ишлари олиб боришмоқда. Айниқса, яқинда қабул қилинган Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонда ўта муҳим қоидалар ўз аксини топганлиги кенг тарғиб қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида прокурорлар томонидан жойларда

9599 нафар тадбиркор ҳамда 5511 нафар фермер ҳўжаликлари раҳбарлари қатнашган 376 тадбир ўтказилди. Учрашувлар жараёнида мурожаат қилган 258 нафар тадбиркорга амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Прокуратура органлари ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу тадбирларда маҳаллий ҳокимликлар, адлия, солиқ, савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари, давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, коммунал хизматлар кўрсатувчи идоралар, «Ягона дарча» марказлари ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга руҳсат берувчи ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Жорий йилнинг ўзида прокуратура томонидан кўрсатилган амалий ёрдам натижасида муқаддам ишини тўхтатган тадбиркорларнинг фаолиятини тиклаш натижасида 96, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш натижасида 500 янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, «2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг ижроси юзасидан олиб борилаётган доимий прокурор назорати тадбирлари ҳам соҳадаги ишлар самарасини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Вилоятда бу борада қабул қилинган дастурга асосан 61 мингдан ортиқ, яъни белгиланган режага нисбатан 101,8 фоиз ҳисобидан янги иш ўринлари яратилишига эришилган.

Шундан 21 мингдан зиёди тижорат банкларининг кредитлари, 8 мингдан ортиғи яқка тартибдаги тадбиркорларнинг маблағлари ҳисобига ташкил этилган. 8647 янги иш ўрни деҳқон ва фермер ҳўжаликларида, 3514 таси саноатда, 2981 таси қурилишда ва 3503 таси хизмат кўрсатиш соҳасида барпо этилган, 1201 иш ўрни эса фаолияти қайтадан тикланган тадбиркорлик субъектларида яратилган.

Вилоят прокуратураси томонидан Самарқанд шаҳрида аҳоли ва меҳмонларга транспорт хизмати кўрсатишда қўлайликлар яратиш, ҳайдовчиларнинг ҳуқуқий савияси, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш масаласига ҳам жиддий қаралмоқда. Жумладан, лицензия олмасдан фаолият юритиб келган ҳайдовчиларга транспорт корхоналарига аъзо бўлишларида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, 300 га яқин фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Айни вақтда, ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари прокурор назорати ҳужжатлари асосида бартараф этилган. Жумладан, 2015 йилда Нуробод, Нарпай, Пастдарғом ва Оқдарё туманлари ҳокимликлари ҳузуридаги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурини бажариш юзасидан мувофиқлаштирилган ишларни ташкил этиш бўйича доимий комиссиялар масъул ходимлари қонунга зид ҳаракат қилишди. Улар томонидан аслида яратилмаган 612 янги иш ўрни ҳисоботларда қўшиб ёзилганлиги аниқланиб, мазкур ҳолатлар юзасидан мансабдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Нуробод тумани Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мансабдор шахслари эса иш билан таъминлашга қўмаклашиш ҳақида мурожаат

қилган М.Ҳайдарова ва бошқа 7 нафар фуқаро мурожаатларини қўриб чиқмасдан, йўқотиб юборганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, олиб боришган назорат тадбирлари жараёнида тадбиркорликнинг ривожланишига ҳамда янги иш ўринлари яратилишига ғов бўлаётганларга нисбатан қатъий чоралар қўрилмоқда. Масалан, Самарқанд шаҳар ер тузиш ва давлат мулк кадастри хизмати бўлими мансабдор шахслари яқка тартибдаги тадбиркор И.Сайджоновдан савдо дўконига тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш эвазига пора талаб қилганлиги ёки Ургут тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Б.Бойматов тадбиркор М.Ибодуллоевни молиявий жаримага тортиш билан қўқитиб, таъмагирлик қилгани учун суднинг қора курсисидан жой олди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида жами 350 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилганлиги, шундан 35 ҳолатда давлат хизмати кўрсатиш тартибини бузиш, 22 ҳолатда тадбиркорларнинг мурожаатларини ўз муддатида қўриб чиқмаслик, 7 ҳолатда ортиқча маблағ ундириш, 3 ҳолатда тадбиркорларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ва 280 ҳолатда бошқа қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Ўтган даврда тадбиркорларга ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишдаги бинолар қуриш учун жами 28,6 гектар ер майдонлари олиб берилиши, банклардан 218,6 миллион сўмлик кредит ажратилиши таъминланди. Хусусан, яқка тартибдаги тадбиркор М.Ҳамидовага Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2016 йил 17 мартдаги қарори билан 72 кв. метр ер майдони ажратилди ва пировадидан янги иш ўринлари яратилиши таъминланди.

Ўтказилган тадбирлар натижаларига кўра, аниқланган қонун бузилишлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 41 тақдимнома киритилиб, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида 32 протест келтирилди. Шунингдек, 29 нафар мансабдор шахс маъмурий, 54 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар манфаатига етказилган 357 миллион сўм зарар ихтиёрий ундирилди. Қонуннинг қўпол бузилиш ҳолатлари юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилиб, 253 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бу ишлар натижасида шу йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлар томонидан 1231 кичик, 183 оилавий ва 9 қўшма корхона ишга туширилди.

Албатта, бу муваффақиятлар ҳуқуқимиз томонидан иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли эканини яхши биламиз.

Масаланинг бир жиҳатини чуқур англаб олишимиз керак. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш замирида янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини муттақил ошириб боришдек муҳим мақсад турибди. Бошқача айтганда, бутун халқимиз манфаатига дахлдор иш бу. Шундай экан, қонунда белгиланган вазифаларни тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш зиммамизга катта масъулият юклайди.

Темур КОДИРОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
Қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи ўринбосари.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

XALQ BANKI

САРМОЯЛАР — ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, йирик инвестициявий лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда аҳоли даромадлари ошишида молия муассасаларининг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, бу борада акциядорлик тижорат Халқ банкнинг фаолияти ҳам эътиборга молик.

Халқ банки томонидан қишлоқ ҳўжалигининг 9 соҳасини янада ривожлантириш, айниқса, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини янада кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида банк филиаллари томонидан 2 548 лойиҳага жами 269,6 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шундан, четдан насли қорамол олиб келиш учун 282 лойиҳага 57,0 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари берилди. Амалга оширилган лойиҳалар ҳисобидан 7726

янги иш ўрни очилди.

Банк кўмагида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондираётган юртдошларимиз сони тобора ортиб бораётди. Банкнинг Учозқўрғон филиали мижози Абдуваҳоб Дадажонов ҳам улар сирасига кирди.

— Жорий йил май ойида ўзим раҳбарлик қилаётган фермер ҳўжалигига чорвачиликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида 500 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олганим, — дейди тадбиркор. — Маблағ эвазига «Вилоятнаслхизмат» корхонаси орқали Австриядан 60 бош насли қорамол сотиб олдим.

Оила аъзоларимдан ташқари, тўрт иш ўрни яратдик,



даромад олишга ҳам эришдик.

Келажақда фаолиятимизни янада кенгайтириб, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашни режалаштираяпмиз.

Маълумотлар шунинг кўрсатадики, 2016 йилда четдан насли қорамоллар олиб келиш бўйича «Наслхизмат» уюшмаси таркибига кирувчи 18 ҳудудий наслчилик корхоналари ҳисоб қарамла-

ри Халқ банкнинг филиалларига тўлиқ олиб ўтилди.

Банк томонидан чорвачиликнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган эчкичилик соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Россия ва Чехиядан жами 7 260 бош эчки сотиб олиш учун қиймати 13 миллиард 987

миллион сўм бўлган 9 импорт шартномаси тузилди.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида эчкичилик соҳасини ривожлантириш бўйича 125 лойиҳага жами 13,7 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Россиядан жун йўналишидаги 804 бош, Австралиядан эса сут йўналишидаги 300 бош насли эчкилар олиб келинди. Шунингдек, ноябрь ойи

яқунига қадар яна 2 175 бош насли эчки олиб келинади. Амалга оширилган лойиҳалар ҳисобидан 78 янги иш ўрни яратилади.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки томонидан йўналтирилаётган сармоялар эл-юрт равнақи ва фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Банк ахборот хизмати.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁЗИЛЗИЛА ВА
КОЛИЗЕЙ

Римнинг энг диққатга сазовор қадимий Колизей обидаси ақинда юз берган зилзила оқибатида қулаши мумкинлиги ҳақида мутахассислар хавотир билдирди. Таъкидланишича, дунё мўъжизаларидан бири бундан кейинги зилзилага дош беролмай, ўзининг икки минг йиллигига етиб бормаслиги мумкин.

Corriere della Sera нашри ахборот беришича, табиий офат натижасида иншоотдаги хавфли ёриқлар катталашган.

Мутахассислар текширувидан сўнг обиданинг бир қисми сайёҳлар учун ёпилган.

Маълумки, Колизей ўз тарихида бир неча қучли зилзилаларни бошдан кечирган. 1349 йилдаги зилзила оқибатида иморатнинг жанубий қисми қулаб тушган, 1703 йилдаги зилзила ҳам унга анчагина талафот етказган.

ЯНГИ БОШ
ДИРЕКТОР2017 йилнинг 1 июлидан
ўз ишига киришади

Женевада ўтказилган Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг анжуманида ташкилот бош директори лавозимига даъвогар олти номзод ўз дастурларини тақдим этишди. Келаси йил май ойида ўтадиган ташкилот ассамблеясининг 70-сессиясида улардан бири бош директор этиб сайланади. Бу ҳақда who.int сайти хабар бермоқда.

Халқаро ташкилот қоидаларига биноан дастурларни тақдим қилган номзодлар билан савол-жавоблар ўтказилади.

Амалдаги бош директор доктор Маргарет Чен икки муддат бу лавозимга сайланган бўлиб, унинг ваколати 2017 йил 30 июнда ниҳоясига етади.

Ер шаро аҳолиси саломатлиги муаммоларини ҳал қилиш йўлида фаолият юритувчи Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти — БМТнинг 1948 йилда ташкил этилган махсус муассасаси бўлиб, айтилган даврада унинг таркибида 194 нафар аъзо бор.

АНТАРКТИКАДА

энг йирик денгиз
қўриқхонаси

Европа Иттифоқи вакиллари ҳамда 24 мамлакат делегатлари Антарктика ҳудудида дунёдаги энг йирик денгиз қўриқхонаси яратилиши тасдиқлашди. Унинг майдони 1,55 миллион квадрат километрдан ортиқ бўлиши режалаштирилмоқда.

РИА «Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур қарор Антарктиканинг денгиз жонли ресурсларини сақлаш комиссиясининг учрашувида қабул қилинди. Манбага кўра, ушбу зонада 35 йил балиқ овлash тақиқланади.

Келишув 2017 йилнинг 1 декабридан қўлга кириши кўзда тутилган.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

«Мақсадимиз — халқимиз турмуш
даражасини ошириш»



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЭНГ АСОСИЙ БУРЧИМИЗ!

АНЖУМАН

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АЖ:

САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР



«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ мажлислар залида жорий йил 9 ойи давомида акциядорлик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти якунлари ва истиқболдаги режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ раҳбарияти, бошқарма бошлиқлари ҳамда тармоқ корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, иштирок этди.

Тадбирда таъкидланишича, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан темир йўл соҳасида белгиланган асосий вазифалар бажарилган. Жумладан, 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида 50,5 миллион тонна юк манзилга етказилди. Юкларни ортши ҳажми суткасига 184,5 минг тоннани ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,2 фоизни ташкил этди. 9 ойда юк айланмаси ҳажми 13,68 миллиард тонна/км.ни ташкил этди. Йўловчи ташиш режаси эса 102,9 фоизга бажарилди. Йил бошидан буён 15,8 миллион йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилди.

— Ҳисобот даврида 275,7 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт хизматлари кўрсатилди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Бош менежер-бош муҳандиси Ҳуснутдин Хосилов. — Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,2 фоизни ташкил этди. Январь-сентябрь ойларида акциядорлик жамиятининг sanoat корхоналарида таққослама нархларда 312,8 миллиард сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2214 янги иш ўрни ташкил қилинди.

Бугунги кунда жамият микросида ишчи-хизматчилар сони қарийб 70 минг нафарни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига мувофиқ акциядорлик жамиятининг молиялаштириш манбалари ҳисобидан 673,66 миллион АҚШ доллари миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 2013 йилда бошланган, узунлиги 123,2 километрни ташкил этувчи «Ангрен — Поп» электрлаштирилган темир йўли ва унинг доирасида бунёд этилган, узунлиги 19,2 километрдан иборат «Қамчик» туннелининг қурилиши жорий йил июнь ойида тўлиқ тугатилиб, фойдаланишга топширилган эди. 11 июлдан бошлаб эса мазкур янги темир йўл орқали водийга ҳамда у ердан республикамизнинг бошқа ҳудудларига юк поездлари қатнов йўлга қўйилди. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами арафасида эса Тошкентдан Андижонга биринчи йўловчи поезди қатнай бошлади. Бугунги кунда Тошкент — Андижон — Тошкент йўналиши-

да ҳар куни 2 замонавий тезюзар поезд, ҳафтасига 2 мартаба эса Андижон — Бухоро — Андижон йўналишида йўловчи поездлар қатнови амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, бир суткада 17 юк поезди янги темир йўл орқали юкларни ўз манзилига етказиб қўймоқда.

Муҳим янгилıklarдан яна бири — Самарқанддан Бухорогача бўлган 140 километрдан зиёд масофада янги темир йўл қурилди ҳамда тубдан таъмирланиб, Бухорогача бўлган йўналишида тўлиқ электрлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада Мустақиллик байрами арафасида Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналишида ҳам юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электрпоезди йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Анжуманда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан галдаги режалар, истиқболдаги лойиҳалар ҳусусида ҳам атрафлича фикр юритилди. Таъкидланишича, темир йўлларда электрлаштириш жараёни ҳамда янги темир йўллари қуриш бўйича ишлар давом эттирилади. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида янги метро йўналишлари қурилиши ҳам акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилиши ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олдилар.

Мирбаҳтиёр МИРҲАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Осиёга ягона йўлланма

Душанбе (Тожикистон)да футбол бўйича қизлар (U-19) ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашувлари бўлиб ўтди. Унда мезбонлар билан биргаликда Ўзбекистон, Гонконг ҳамда Хитой-Тайпейи терма жамоалари финал босқичига берилган ягона йўлланма учун кураш олиб боришди.

Кувонарлиси, қизларимиз барча саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказди.

Дастлабки икки турда Баҳром Норсафоров шогирдлари мезбонлар ва гонконгликларни бир хил — 3:0 ҳисобида енгди. Охириги учрашувда ҳамюртларимиз Хитой-Тайпейи қизларидан 1:0 ҳисобида устун келди.

Энди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси келаси йили август ойида Хитойда бўладиган Осиё чемпионати финал босқичида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Жаҳон чемпионатида

Равшан Эрматов ҳам қатнашади

Шу йилнинг 8 — 18 декабрь кунлари Японияда клублар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда уйинларни бошқариб бориш учун ҳар бир минтақадан биттадан ҳакамлар гуруҳи жалб этилган.

Осиё футбол конфедерациясидан Навоф Шукрилла (Баҳрайн) бошчилигидаги ҳакамлар учрашувларни бошқариши кўзда тутилган. Ҳамюртимиз, таниқли ФИФА рефериси Равшан Эрматов ушбу ҳакамлар гуруҳида видео тақоррорлар бўйича ёрдамчи ҳакам сифатида фаолият кўрсатади.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны —
16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы —
3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки —
11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы —
3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан,
г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 269-15-97,
(+99871) 262-34-72.
Моб.: (+99890) 188-15-33,
(+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz,
www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Muslihiiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159

9728

nusxada
bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:03

Topshirilgan vaqti — 22:15

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

772010763006

1 2 3 4 5